

Шунга қараб, ҳайвон даволанади ёки касалланмаган деган хулосага келинади. Шундан кейин тухумдонлар пайпаслаб топилади (тухумдонлар бачадон шохларининг учида жойлашган бўлади). Шунда уларнинг катталиги, шакли, консистенцияси, сезувчанлиги ва юзасининг ҳолатига эътибор берилди. Тухумдонларнинг консистенцияси ва катталиги фолликулаларнинг етилаётганлиги ёки сариқ тана ҳосил бўлганлигига қараб ўзгаради. Ана шундай физиологик ўзгаришлар патологияни аниқлашда ҳисобга олинди.

Нормал ҳолдаги тухум йўллари тўғри ичак орқали пайпаслаб топиб бўлмайди. Тухум йўллари тугун-тугун, зич ёки қалқийдиган тизимчага ўхшаган бўлса, бу тухумдон найларининг ўзгаришларга учраганлигини билдиради.

Текширишларнинг бошида ва охирида сигирларда ультратовушли сканер диагностик аппарати ёрдамида ректал текширишлар ўтказилди. Ушбу янги замонавий аппарат ёрдамида ректал текшириш билан барча ички жинсий аъзоларнинг ҳолатини аниқлаш мумкин. Диагностик аппаратнинг сканерли юзаси уланган шнури тўғри ичак орқали киритилиб, тезакдан тозаланиб бачадон шохчасига қўйилди. Агар ҳайвон бўғоз бўлса аппаратнинг экранчасида кўриш мумкин. Бу аппарат ёрдамида 25 кунликдан бошлаб бўғозликни аниқлаш мумкин. Хўжаликдаги диагностик текширувлар олиб борилган сигирларнинг 10 бошидан 7 боши бепушт эканлиги аниқланди. Бепуштлиги аниқланган бу сигирларда 2 ой олдин сунъий уруғлантириш ўтказилган. Қолган сигирларда 2 ойлик ва 3 ойлик бўғозлик аниқланди.

Хўжаликда бепуштлиги аниқланган 7 бош сигирларда овариотропин гормон витаминли препарати 100 кг тана вазнига 4,5 мл дозада бир марта мускул орасига қўлланилади. Препарат қўлланилганда сигирларнинг куйга келиши 72-96 соатдан кейин кузатилди.

Хулосалар: 1. Сигирларни клиник-физиологик текширишлардан ўтказиш билан шундай хулосага келдикки, уларда алиментар бепуштликлар мураккаб патология тарзида кузатилиб, камқонлик, иштаҳанинг ўзгариши, ошқозон олди бўлимларининг гипотонияси, юрак қон-томир тизими фаолиятининг бузилиши, ҳаракат аъзолари, тери ва тери қопламасида ўзгаришлар кузатилиши, жинсий циклниң ареактив кечиши билан характерланади.

2. Сигирларда бўғозликни аниқлаш учун янги замонавий ультратовушли DRAMINSKI апаратидан фойдаланишнинг самараси юқори бўлиб, бўғозликни 25 кунликдан бошлаб ишончли аниқлашга ёрдам беради.

3. Сигирларда алиментар бепуштликларни даволаш ва олдини олишда овариотропин гормон витаминли препарати 100 кг тана вазнига 4,5 мл дозада бир марта мускул орасига қўллаш самараси юқори ҳисобланади.

СПОРТ ОТЛАРДА ОЁҚНИНГ ДИСТАЛ ҚИСМИДА ЙИРИНГЛИ БАРМОҚ КАСАЛЛИКЛАРИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ЭТИОЛОГИК ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ КЛИНИК БЕЛГИЛАРИ

М.Усмонов – магистрант, Ш.О.Кубаев – талаба, А.К.Рўзиев - ассистент

Кириш. Республикамизда охириги йилларда отлардан фақатгина транспорт сифатида фойдаланмасдан, балки турли хил спорт ўйинларида, қазми ва қимиз етиштиришда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Шунинг учун ҳам отлар сонини кўпайтириш ва уларни соғлом қилиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Аммо отлар ўртасида турли хилдаги инфекция, инвазия ва юқумсиз касалликлар кўп учраб, уларни ривожланишига ва махсулдорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Шундай касалликлардан бири хирургик патологиялар ҳисобланади. Бу патология ичида отлар локомотор аппаратида учрайдиган сурункали ялиғланишлар кўп учраб хўжаликларга катта иқтисодий зарар етказмоқда. Янги ташкил этилган чорвачилик хўжаликлари тасарруфида, ҳайвонларни янги типда сақлаш, озиклантириш, парваришлаш ва улардан фойдаланиш натижасида бир қанча касалликларни келиб чиқишига асосий сабаб бўлиши кузатилмоқда. Бундан ташқари кейинги вақтларда

минтақамизда экологик мувозанатнинг бузилиши, тупроқ, сув ва ўсимлик таркибининг бузилиши ҳам турли хилдаги, жумладан бўғим касалликларини келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Бу касалликлар оқибатида отлар иш - қобилиятини йўқотади, тана вазни кескин камаяди ва улар эрта ҳисобдан чиқарилиб мажбурий суйилишига ҳам сабаб бўлади.

Тўпланган илмий назариялар И.В. Павлов таълимоти бўйича организмнинг яхлитлигини, ташқи муҳит таъсирини ва ҳайвон организмда кечадиган ҳаёт учун муҳим функциялар ва патологик жараёнларни бошқаришда нерв системаси муҳим аҳамиятга эга (Б.М. Оливков, 1955). И.В. Павлов таълимоти бўйича, барча патологик жараёнлар ҳайвон организмда бош мия ярим шарлари пўстлоғи тўқимасининг тўхтовсиз қитиқланиши натижасида ривожланади. Бош мия пўстлоғи фаолиятининг сусайиши ва бузилиши кўп касалликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиб, тўқима, орган ва системалардаги органик ўзгаришлар мия пўстлоғининг қайта ва узок функционал қўзғалишига сабаб бўлиши мумкин. К.И. Шакаловнинг (1986) маълумотига кўра, артритларнинг ривожланишида бўғимларнинг зўриқишидаги микротравмалар, туёқ емирилиши ва деформацияси, оёқлардаги таянч-ҳаракат тизимини бузилиши сабаб бўлиши кўрсатилган. Бундан ташқари, айрим бўғимларда артритларнинг келиб чиқишига уларнинг анатомо-топографик тузилиши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бунда патологик жараён кичик болдирнинг учинчи мускули ва бармоқнинг узун ёзувчи пайининг пай ости синовиал халтаси орқали бўғимларга ўтади, натижада артритларни чакиради, дегенератив остеоартритлар эса сурункали кечиб, артритларнинг оғир, айрим ҳолларда қайтмас жараёнларни келиб чиқишига сабаб бўлади (П. Гринаф ва бошқ., 1976).

Йирингли яллиғланиш жараёни турли хилдаги механик жароҳатлар натижасида микроорганизмларнинг жароҳатга тушиши, ривожланиши ва кўпайиши натижасида ҳосил бўлиб, томирлар гиперемияси, улар ўтказувчанлигини ортиши билан намоён бўлиб, йирингли ёки йирингли-фибриноз экссудатнинг тўпланишига олиб келади (М. В. Плохотин, 1981). М. С. Борисовнинг (1991) маълумотларига кўра йиринг таркибида бўғимлар капсуласининг шикастланиши оқибатида нобуд бўлган микроорганизмларнинг бўлиши билан кечадиган йирингли жараёнлар қон томир реакциялари томирлардаги рецепторларнинг қўзғалишига олиб келади. Бундай жараёнлар эса, синовиал қобиклар ва уларнинг сургичларида шишлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Аксарият ҳолларда, бўғим касалликларининг ривожланишида этиологик омиллар ўтмас жисмларнинг урилиши ёки ҳайвонларнинг сиқилиши натижасида келиб чиқадиган ёпиқ турдаги механик шикастланишлар ҳисобланади (И.Я. Тихонин, М.А. Фельдштейн, 1971), бунда бўғим шикастланиши, даволаш жараёнларини мураккаблиги ва касаллик оқибатининг турли хилда бўлишига қараб бир-биридан фарқланади (И.В. Шабалаев, 1989).

Бўғим касалликларини таснифланишини инобатга олган ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки минтақамизда пахта чиқиндиларидан кўп фойдаланиш ва озуқа таркибида госсипол ва госсипол сақловчи озукаларни узок вақт оралаштириш натижасида, айниқса боқувдаги қорамолларда бўғим касалликларини минтақавий кўп учрайдиган токсик аллергик турлари тажрибаларда исботланган (Н.Ш. Давлатов ва бошқалар 1996).

Шундай қилиб, бўғим касалликларини таснифланишида касалликларни минтақавий хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бўғимларнинг барча анатомик элементларида учрайдиган йирингли яллиғланишларда патоген микрофлораларнинг роли унинг ривожланиши ва оқибатига таъсир этади. (К.И. Шакалов ва бошқалар 1987), (И.С. Паньколарнинг 1982) маълумотларига кўра бўғимларнинг йирингли яллиғланишларини санчилган жароҳатлар, бўғим атрофидги тўқималарнинг механик шикастланишлари, периартикуляр тўқималар, синовиал халта шиллиқ пардаси ва пай қинлари орқали йирингли яллиғланиш жараёнларининг бўғим тўқималарига ўтиши, шунингдек плеврит, эндометрит, параартрит ва бошқа касалликларда метастатик йўл билан ўтиши оқибатида ривожланади ва унинг этиопатогенетик негизини ташкил этади.

Ҳайвонларни гуруҳлаб сақлашда артритларнинг бошланғич босқичи яққол намоён бўлмайди (И.А. Калашник ва бошқ., 1988), шунинг учун ҳам ўз вақтида ўтказилган хирургик

диспансеризация тадбирлари даволаниши қийин кечадиган бўғим ва унинг атроф тўқималаридаги сурункали яллиғланишларни ривожланишини олдини олишда муҳим амалий аҳамиятга эга.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.Республикамиздаги йилқичиликга ихтисослашган шахсий фермер ва йилқичилик хўжаликларида оёқнинг дистал қисмида буғимларининг йирингли яллиғланишларини этиопатогенезини аниқлаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ва тажрибалар натижасида бўғимнинг йирингли яллиғланишларини келтириб чиқарувчи омиллар турли туман эканлиги, яъни бўғимларда учрайдиган механик омиллар сабаб бўлиши аниқланди. Чунончи, организм заифлашиб қолганида айниқса қиш мавсумида баъзи физиологик таъсуротлар, организмнинг экскретлари ҳам яллиғланишга сабаб бўлиши мумкин. Отлар оёқлари дистал қисмида бўғимнинг йирингли яллиғланишларни келиб чиқишига сабаб бўлувчи омилларидан яна бири Кўпчилик фермер хўжаликлар ҳайвонларни нотўғри сақлаш у ердаги зоогигиеник талабларнинг тузилиши сезиларли даражада шикастланишларнинг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Шикастланишларни келиб чиқишига жумладан бўғимлар паталогиясининг ривожланишига сабаб бўлувчи омилларга туёқларни нотўғри қирқиш, ҳайвонларни қаттиқ полда сақлаш, уларни нотўғри ташиш ва ишлатиш ҳамда етарли даражада озиқлантирмаслик асосан отларда оёқларида тендинит, артрит ва артрозлар кузатилади йирингли яллиғланишларни ривожланишига, оқибатда атроф буғимларга ҳам патологик жараён тарқалиши аниқланди.

Тадқиқотлар натижасида бўғимга кириб боровчи жароҳатлар қанчалик чуқур бўлса асорати шунчалик оғир кечиши аниқланди. Айниқса улар рационига асосан қиш мавсумида қўшиладиган пахтани қайта ишлаш натижасида олинадиган озуқалар таркибидаги захарли модда гиссипол бўлиб, бу модда организмда моддалар алмашинуви жараёнининг бузилишини ва токсико-аллергик ҳолатни юзага келтиради, оқибатда организмнинг иммунобиологик хусусиятларини пасайишига сабаб бўлади.

Спорт отлари оёқларнинг дистал қисми буғимларида учрайдиган йирингли яллиғланишларни этиопатогенезини ўрганиш орқали мамлакатимиз йилқичилик ширкат ва шахсий хўжаликларда мавжуд бўлган отлар ўртасида улар оёқларининг дистал қисми туёқ, юмалоқ-тушоқ ва билагузук буғимларида ушбу патологиянинг кўпроқ учраши, республикамизнинг минтақавий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда буғимларнинг йирингли яллиғланишларини даволаш ва олдини олишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Текширишлар Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги аҳоли қўлидаги шахсий отларда ўтказилди. Клиник текшириш натижасида оёқларнинг дистал қисмида йирингли яллиғланиш жараёнлари кечаётган 14 бош отлар ажратиб олинди.

Клиник текширишлар ўтказилиб, ҳайвонларда оёқлар дистал қисми шикастланишларининг турлари ва уларни характери аниқланиб, ҳайвонларнинг асосан йирингли синовит, капсуляр флегмона ва йирингли артрит билан касалланганлиги аниқланди.

Текширилган ҳайвонларнинг 3 бошида капсуляр флегмона, 5 бошида йирингли артрит ва 6 бош ҳайвонда эса йирингли синовит жараёнлари кечаётганлиги қайд этилиб, патологик жараён асосан кўпроқ тоvon, билагузук, тушоқ ва туёқ буғимида кечаётганлиги аниқланди.

Йирингли артрит ва йирингли синовит билан касалланган ҳайвонларда умумий ҳолсизланиш, тана ҳароратининг кўтарилиши бўғимлар контурининг катталашиши, бўғим дивертикулаларининг таранглашуви ва ҳаракатланганда кучли оғриқ намоён бўлади. Шикастланган буғим пайпаслаганда флюктуация ва маҳаллий ҳароратнинг кўтарилиши, буғим ҳаракатининг чегараланиши қайд этилди. Ҳайвон шикастланган олдинги туёғи учини йерга қўйиб оқсаб ҳаракатлантиради. Буғим атрофи шишган қизарган ва унинг айрим жойларида очик жароҳатлар ҳосил бўлган. Жароҳатнинг тешилган жойидан кўкимтир рангли йирингли экссудат оқиб турибди.

Буғим ва туёқ юмшоғи капсуляр флегмонаси жараёнлари кечаётган ҳайвонларнинг барчасида биттадан бўғим шикастланган бўлиб, капсуляр флегмона жараёнлари кечаётган бўғин соҳаси шишган, кучли оғриқ вафлюктуация кузатилади. Ҳайвонлар тинч турганда оёқларининг жароҳатланган бўғинларини бироз буккан ҳолатда, туёқнинг учки қисмига деярли таянмай туради. Юрганда кучли оқсаш билан ҳаракатланади.

Ҳайвонларда ҳолсизланиш, тана ҳароратининг ўртача 1^0 га кўтарилиши, жароҳатланган бўғимнинг қарама-қарши оёқ бўғимига нисбатан катталашганлиги ва тери эластиклигининг йўқолиши қайд этилиб, бўғим капсуласида йиринг тўпланиши натижасида у катталашиб таранглашган, бўғим бўртиклари эса қийинчилик билан пайпасланади, тутқичлари қалинлашган, эластиклиги пасайган, шикастланган бўғимлар пассив ҳаракати чегараланган бўлиб улар ҳаракатланганда кучли оғриқ намоён бўлди.

Туёқ юмшоғи капсуляр флегмонасида туёқ ҳажми кенгайиб, яллиғланиш шиши бармоқларга тарқалиб тушоқ бўғимигача борган. Шикастланган жой пальпация қилинганда иссиқ, таранглашган ва кучли оғриқли. Ҳайвонларнинг тана ҳарорати ошган ва умумий аҳволи ёмонлашган, ҳаракатланганда кучли оқсаш яққол намоён бўлади. Айрим ҳайвонларнинг туёқ жияги ва юмшоғида оқма пайдо бўлиб, кўкимтир йиринг оқиб турибди.

Хулоса.

1. Кўпчилик фермер хўжаликлар ҳайвонларни нотўғри сақлаш у ердаги зоогигиеник талабларнинг тузилиши сезиларли даражада шикастланишларнинг ривожланишига тъасир этиб ва шикастланишларни келиб чиқишига жумладан бўғимлар паталогиясининг ривожланишига сабаб бўлувчи омилларга туёқларни нотўғри қирқиш, ҳайвонларни қаттиқ полда сақлаш, уларни нотўғри ташиш ва ишлатишасосан отларда оёқларида тендинит, артрит ва артрозлар кузатилади йирингли яллиғланишларни ривожланишига, оқибатда атроф бугимларга ҳам патологик жараён тарқалишига сабаб бўлмоқда

2. Капсуляр флегмона, йирингли артрит ва йирингли синовит билан касалланган ҳайвонларда умумий ҳолсизланиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, бўғимлар контурининг катталашishi, бўғим дивертикулаларининг таранглашуви ва ҳаракатланганда кучли оғриқ ва оқсаш намоён бўлиши билан ҳарактерланади.

ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ФАРМАКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

Б.Хайитов, Ш.Жиянмуродова - талабалар, Т.Т.Хатамов - ассистент

Республикамизда бугунги кунда бошқа соҳалардаги каби тиббиёт ва фармацевтика соҳаларига ҳам катта аҳамият берлмоқда. Тиббиёт билан бир вақтда унга жуда яқин бўлган фармацевтика саноатининг ривожлантирилиши давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Кейинги бир неча ўн йиллар давомида бутун дунёда тиббиёт соҳасида ўсимликларга, айниқса, халқ табobati доривор ўсимликларига бўлган қизиқиш тобора ошиб бормоқда. Кўпчилик илмий марказларда ўсимликлар ҳар тарафлама ва чуқур ўрганилди ва натижада бир қанча янги, юқори самарали фитопрепаратлар яратилди. Маълумки ботаник жиҳатдан қардош ўсимликларни кимёвий таркиби бир хил ёки бир-бирига таркиб жиҳатдан яқин, демак фармакологик таъсири ҳам ўхшаш бўлиши мумкин. Ўсимликлардаги биологик қонуниятларни билиш, доривор ўсимликларни излаб топишда мақсадли ва самарали натижалар бермоқда.

Бунинг натижаси сифатида дорихоналаримизда кундан-кунга кўпайиб бораётган турли хил дори воситаларини кўришимиз мумкин. Улар орасида тобора кенгроқ ўринни эгаллаётган ўсимлик воситаларини кўплаб учратиш мумкин. Яъни кейинги пайтларда синтетик дори воситалари ўрнини табиий шифобахш доривор ўсимликлар эгалламоқда.

Маълумки ҳар қандай синтетик дори воситасининг бирон-бир бошқа органга зарарли таъсири бўлиши эҳтимоллиги юқори саналади. Чунки бир органни даволаш учун ишлатиладиган синтетик дори бошқа бир органни заҳарлаши ёки унга зарарли таъсир